36-модда. Меҳнат жамоаси Иш берувчида меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча ходимлар меҳнат жамоасини ташкил этади. Меҳнат жамоаси ижтимоий шериклик соҳасидаги ўз ваколатларини умумий йиғилиш (конференция) ўтказиш орқали амалга оширади. Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши, агар унда иш берувчида меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Меҳнат жамоасининг конференцияси, агар унда ташкилот бўлинмалари делегатларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг (конференциясининг) қарори, агар умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётган ходимларнинг (делегатларнинг) эллик фоизидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси): ходимларнинг меҳнат жамоаси манфаатларини ифодалаш ваколати берилган вакиллик органини белгилайди;	36-модда. Меҳнат жамоаси Иш берувчида меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча ходимлар меҳнат жамоасини ташкил этади. Меҳнат жамоаси ижтимоий шериклик соҳасидаги ўз ваколатларини умумий йиғилиш (конференция) ўтказиш орқали амалга оширади. Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши, агар унда иш берувчида меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Меҳнат жамоасининг конференцияси, агар унда ташкилот бўлинмалари делегатларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг (конференциясининг) қарори, агар умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётган ходимларнинг (делегатларнинг) эллик фоизидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси): ходимларнинг меҳнат жамоаси манфаатларини ифодалаш ваколати берилган вакиллик органини белгилайди;

Старая редакция	Новая редакция
жамоа шартномасини маъқуллаш ёки маъқулламаслик тўғрисида қарор қабул қилади; амал қилиши тегишли ходимларга ва иш берувчига нисбатан татбиқ этиладиган жамоа келишувларининг, шунингдек жамоа шартномасининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; жамоа келишувининг, жамоа шартномасининг тарафлар томонидан ижро этилиши самарадорлигига баҳо беради; қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.	жамоа шартномасини маъқуллаш ёки маъқулламаслик тўғрисида қарор қабул қилади; амал қилиши тегишли ходимларга ва иш берувчига нисбатан татбиқ этиладиган жамоа келишувларининг, шунингдек жамоа шартномасининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; жамоа келишувининг, жамоа шартномасининг тарафлар томонидан ижро этилиши самарадорлигига баҳо беради; **иш ташлашга оид масалалар тўғрисида қарор қабул қилади** қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.
186-модда. Тўлиқсиз иш вақти Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ходимга ишга қабул қилиш чоғида ва кейинчалик тўлиқсиз иш вақти (тўлиқсиз иш куни (смена) ва (ёки) тўлиқсиз иш ҳафтаси, шу жумладан иш кунини қисмларга бўлган ҳолда) белгиланиши мумкин. Тўлиқсиз иш вақти ҳам муддати чекланмаган ҳолда, ҳам меҳнат шартномаси тарафлари келишган ҳар қандай муддатга белгиланиши мумкин. Иш берувчи: ушбу Кодекснинг 398-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшгача бўлган бола (ўн олти ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган бола) ота-онасидан бирининг (ота-онанинг ўрнини босувчи шахснинг), шунингдек оиланинг	186-модда. Тўлиқсиз иш вақти Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ходимга ишга қабул қилиш чоғида ва кейинчалик тўлиқсиз иш вақти (тўлиқсиз иш куни (смена) ва (ёки) тўлиқсиз иш ҳафтаси, шу жумладан иш кунини қисмларга бўлган ҳолда) белгиланиши мумкин. Тўлиқсиз иш вақти ҳам муддати чекланмаган ҳолда, ҳам меҳнат шартномаси тарафлари келишган ҳар қандай муддатга белгиланиши мумкин. Иш берувчи: ушбу Кодекснинг 398-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшгача бўлган бола (ўн олти ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган бола) ота-онасидан бирининг (ота-онанинг ўрнини босувчи шахснинг), шунингдек оиланинг

Старая редакция	Новая редакция
бетоб аъзосини парваришлашни амалга ошираётган шахснинг илтимосига кўра тиббий хулосага биноан; ногиронлиги бўлган шахснинг илтимосига кўра, агар мазкур шахс учун иш вақтини белгилаш ушбу Кодекс 424-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тавсияларида назарда тутилган бўлса; ушбу Кодексда ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ўзга ҳолларда тўлиқсиз иш кунини белгилаши шарт. Ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган шахслар учун тўлиқсиз иш вақти ходим учун қулай бўлган муддатга, бироқ тўлиқсиз иш вақтини мажбурий равишда белгилаш учун асос бўлган ҳолатлар мавжуд бўлган даврдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади, иш вақтининг ва дам олиш вақтининг режими, шу жумладан ҳар кунги ишнинг (сменанинг) давомийлиги, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти эса ушбу иш берувчидаги ишлаб чиқариш (иш) шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ходимнинг истакларига мувофиқ белгиланади. Бунда ногиронлиги бўлган шахслар тўлиқсиз иш вақтининг давомийлиги ва иш режими тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тавсияларига мувофиқ белгиланиши керак. Тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаганда ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш у ишлаб берган вақтга мутаносиб	бетоб аъзосини парваришлашни амалга ошираётган шахснинг илтимосига кўра тиббий хулосага биноан; **ушбу Кодекснинг 398-моддасига мувофиқ** ногиронлиги бўлган шахснинг илтимосига кўра, агар мазкур шахс учун иш вақтини белгилаш ушбу Кодекс 424-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тавсияларида назарда тутилган бўлса; ушбу Кодексда ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ўзга ҳолларда тўлиқсиз иш кунини белгилаши шарт. Ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган шахслар учун тўлиқсиз иш вақти ходим учун қулай бўлган муддатга, бироқ тўлиқсиз иш вақтини мажбурий равишда белгилаш учун асос бўлган ҳолатлар мавжуд бўлган даврдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади, иш вақтининг ва дам олиш вақтининг режими, шу жумладан ҳар кунги ишнинг (сменанинг) давомийлиги, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти эса ушбу иш берувчидаги ишлаб чиқариш (иш) шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ходимнинг истакларига мувофиқ белгиланади. Бунда ногиронлиги бўлган шахслар тўлиқсиз иш вақтининг давомийлиги ва иш режими тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тавсияларига мувофиқ белгиланиши керак. Тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаганда ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш у ишлаб берган вақтга мутаносиб

Старая редакция	Новая редакция
равишда ёки у бажарган ишнинг ҳажмига қараб амалга оширилади. Тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаш ходимлар учун ҳар йилги асосий меҳнат таътили давомийлигининг, меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришнинг ва бошқа меҳнат ҳуқуқларининг бирор-бир чекланишларига сабаб бўлмайди	равишда ёки у бажарган ишнинг ҳажмига қараб амалга оширилади. Тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаш ходимлар учун ҳар йилги асосий меҳнат таътили давомийлигининг, меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришнинг ва бошқа меҳнат ҳуқуқларининг бирор-бир чекланишларига сабаб бўлмайди
398-модда. Ҳомиладор аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш Иш берувчи ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бирининг (ота-она ўрнини босувчи шахснинг), шунингдек оиланинг бетоб аъзосини парваришлашни амалга ошираётган шахснинг илтимосига кўра уларга тиббий хулосага мувофиқ тўлиқсиз иш вақти белгилаши шарт.	398-модда. Ҳомиладор аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш **Иш берувчи қуйидаги шахсларга уларнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақти белгилаши шарт:** **ҳомиладор аёлга;** **ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга);** **тиббий хулосага мувофиқ оиланинг бетоб аъзосини парваришлашни амалга ошираётган шахсга**
570-модда. Асосий тушунчалар Яраштирув-воситачилик тартиб-таомиллари жамоавий меҳнат низосини дастлаб яраштириш комиссиясида, унда келишувга эришилмаганда эса меҳнат арбитражида, шунингдек тарафларнинг ўзаро келишувига кўра медиация тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда тадрижий ҳал этишдан (тартибга солишдан) иборатдир.	570-модда. Асосий тушунчалар Яраштирув-воситачилик тартиб-таомиллари жамоавий меҳнат низосини дастлаб яраштириш комиссиясида, унда келишувга эришилмаганда эса меҳнат арбитражида, шунингдек тарафларнинг ўзаро келишувига кўра медиация тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда тадрижий ҳал этишдан (тартибга солишдан) иборатдир.

Старая редакция	Новая редакция
Яраштириш комиссияси жамоавий меҳнат низосини тарафларни яраштириш йўли билан ҳал этиш (тартибга солиш) учун иш берувчи ва ходимлар (уларнинг вакиллари) ўртасидаги келишув асосида тузиладиган органдир. Меҳнат арбитражи яраштириш комиссиясида келишувга эришилмаганда жамоавий меҳнат низоси тарафлари томонидан низони ҳал этиш учун ваколатли шахсларни жалб этган ҳолда тузиладиган вақтинча ёки доимий асосда фаолият кўрсатувчи органдир. Иш берувчининг (унинг вакилининг) ходимлар (уларнинг вакиллари) талабларининг барчасини ёки бир қисмини рад этиш тўғрисидаги қарори хабар қилинган кун ёки иш берувчи (унинг вакили) ушбу Кодекс 572-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган муддатларда ўз қарори ҳақида хабар қилмаган кун жамоавий меҳнат низоси бошланган кун ҳисобланади.	Яраштириш комиссияси жамоавий меҳнат низосини тарафларни яраштириш йўли билан ҳал этиш (тартибга солиш) учун иш берувчи ва ходимлар (уларнинг вакиллари) ўртасидаги келишув асосида тузиладиган органдир. Меҳнат арбитражи яраштириш комиссиясида келишувга эришилмаганда жамоавий меҳнат низоси тарафлари томонидан низони ҳал этиш учун ваколатли шахсларни жалб этган ҳолда тузиладиган вақтинча ёки доимий асосда фаолият кўрсатувчи органдир. Иш берувчининг (унинг вакилининг) ходимлар (уларнинг вакиллари) талабларининг барчасини ёки бир қисмини рад этиш тўғрисидаги қарори хабар қилинган кун ёки иш берувчи (унинг вакили) ушбу Кодекс 572-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган муддатларда ўз қарори ҳақида хабар қилмаган кун жамоавий меҳнат низоси бошланган кун ҳисобланади. **Иш ташлаш — бу ходимларнинг меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш берувчи билан жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш усули сифатида меҳнат мажбуриятларини вақтинча, ихтиёрий ва биргаликда тўлиқ ёки қисман бажаришни тўхтатишдир**
576-модда. Жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида ҳал этиш (тартибга солиш) Меҳнат арбитражи жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича органдир. Вақтинчалик	576-модда. Жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида ҳал этиш (тартибга солиш) Меҳнат арбитражи жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича органдир. Вақтинчалик

Старая редакция	Новая редакция
меҳнат арбитражи жамоавий меҳнат низоси тарафлари томонидан мазкур жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) учун жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича тегишли давлат органи билан биргаликда тузилади. Тегишли ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиянинг қарорига кўра комиссия ҳузурида тарафларнинг келишуви асосида ҳал этиш (тартибга солиш) учун ўзига топшириладиган жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) мақсадида доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражи тузилиши мумкин.	меҳнат арбитражи жамоавий меҳнат низоси тарафлари томонидан мазкур жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) учун жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича тегишли давлат органи билан биргаликда тузилади. Тегишли ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиянинг қарорига кўра комиссия ҳузурида тарафларнинг келишуви асосида ҳал этиш (тартибга солиш) учун ўзига топшириладиган жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) мақсадида доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражи тузилиши мумкин.
Жамоавий меҳнат низосини медиатор иштирокида ҳал этиш (тартибга солиш) якунланганидан кейин келишмовчиликлар баённомаси тузилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ёхуд медиатор номзоди хусусида жамоавий меҳнат низоси тарафларининг келишувига эришилиши керак бўлган муддат тугагач ёки тарафларнинг ёки тарафлардан бири жамоавий меҳнат низосини медиатор иштирокида ҳал этишни (тартибга солишни) рад этганлиги тўғрисидаги баённома расмийлаштирилганидан кейин жамоавий меҳнат низосининг тарафлари жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида ҳал этиш (тартибга солиш) юзасидан музокаралар ўтказиши шарт.	Жамоавий меҳнат низосини медиатор иштирокида ҳал этиш (тартибга солиш) якунланганидан кейин келишмовчиликлар баённомаси тузилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ёхуд медиатор номзоди хусусида жамоавий меҳнат низоси тарафларининг келишувига эришилиши керак бўлган муддат тугагач ёки тарафларнинг ёки тарафлардан бири жамоавий меҳнат низосини медиатор иштирокида ҳал этишни (тартибга солишни) рад этганлиги тўғрисидаги баённома расмийлаштирилганидан кейин жамоавий меҳнат низосининг тарафлари жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида ҳал этиш (тартибга солиш) юзасидан музокаралар ўтказиши шарт.
Жамоавий меҳнат низоси тарафлари жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида ҳал этишга (тартибга солишга) рози бўлган тақдирда, улар томонидан меҳнат арбитражининг қарорларини бажариш мажбурийлиги	Жамоавий меҳнат низоси тарафлари жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида ҳал этишга (тартибга солишга) рози бўлган тақдирда, улар томонидан меҳнат арбитражининг қарорларини бажариш мажбурийлиги

Старая редакция	Новая редакция
тўғрисидаги шартни ўз ичига олган тегишли келишув тузилади. Шундан сўнг жамоавий меҳнат низосининг тарафлари ижтимоий шерикликнинг бирламчи даражасида жамоавий меҳнат низосини ҳал этишда (тартибга солишда) икки иш кунигача бўлган муддатда, ижтимоий шерикликнинг бошқа даражаларида жамоавий меҳнат низосини ҳал этишда (тартибга солишда) эса тўрт иш кунигача бўлган муддатда жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича тегишли давлат органи билан биргаликда ушбу жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) учун вақтинчалик меҳнат арбитражини тузиши ёхуд уни тегишли ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия ҳузурида ташкил этилган доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражига ҳал этиш (тартибга солиш) учун топшириши шарт. Вақтинчалик меҳнат арбитражининг таркиби ва регламенти иш берувчининг (иш берувчилар вакилининг), ходимлар вакилининг ҳамда жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича давлат органининг қарори билан белгиланади. Доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражида жамоавий меҳнат низосини ҳал қилиш (тартибга солиш) учун меҳнат арбитражининг таркибини шакллантириш тартиби ҳамда унинг регламенти тегишли ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия томонидан тасдиқланадиган доимий асосда фаолият кўрсатувчи	тўғрисидаги шартни ўз ичига олган тегишли келишув тузилади. Шундан сўнг жамоавий меҳнат низосининг тарафлари ижтимоий шерикликнинг бирламчи даражасида жамоавий меҳнат низосини ҳал этишда (тартибга солишда) икки иш кунигача бўлган муддатда, ижтимоий шерикликнинг бошқа даражаларида жамоавий меҳнат низосини ҳал этишда (тартибга солишда) эса тўрт иш кунигача бўлган муддатда жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича тегишли давлат органи билан биргаликда ушбу жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) учун вақтинчалик меҳнат арбитражини тузиши ёхуд уни тегишли ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия ҳузурида ташкил этилган доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражига ҳал этиш (тартибга солиш) учун топшириши шарт. Вақтинчалик меҳнат арбитражининг таркиби ва регламенти иш берувчининг (иш берувчилар вакилининг), ходимлар вакилининг ҳамда жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича давлат органининг қарори билан белгиланади. Доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражида жамоавий меҳнат низосини ҳал қилиш (тартибга солиш) учун меҳнат арбитражининг таркибини шакллантириш тартиби ҳамда унинг регламенти тегишли ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия томонидан тасдиқланадиган доимий асосда фаолият кўрсатувчи

Старая редакция	Новая редакция
меҳнат арбитражи тўғрисидаги низом билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражининг намунавий низоми тасдиқланиши мумкин. Жамоавий меҳнат низоси ижтимоий шерикликнинг бирламчи даражасида жамоавий меҳнат низосини ҳал этишда (тартибга солишда) ушбу низо тарафларининг вакиллари иштирокида беш иш кунигача бўлган муддатда, жамоавий меҳнат низосини ижтимоий шерикликнинг бошқа даражаларида ҳал этишда эса вақтинчалик меҳнат арбитражи тузилган ёки жамоавий меҳнат низоси доимий асосда фаолият кўрсатаётган меҳнат арбитражига ҳал этиш (тартибга солиш) учун топширилган кундан эътиборан ўн иш кунигача бўлган муддатда меҳнат арбитражида ҳал этилади (тартибга солинади). Меҳнат арбитражи: жамоавий меҳнат низоси тарафларининг мурожаатларини кўриб чиқади; жамоавий меҳнат низосига тааллуқли бўлган зарур ҳужжатлар ва маълумотларни олади; зарур бўлган ҳолларда, республика ижро этувчи ҳокимият органларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини жамоавий меҳнат низосининг эҳтимол	меҳнат арбитражи тўғрисидаги низом билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражининг намунавий низоми тасдиқланиши мумкин. Жамоавий меҳнат низоси ижтимоий шерикликнинг бирламчи даражасида жамоавий меҳнат низосини ҳал этишда (тартибга солишда) ушбу низо тарафларининг вакиллари иштирокида беш иш кунигача бўлган муддатда, жамоавий меҳнат низосини ижтимоий шерикликнинг бошқа даражаларида ҳал этишда эса вақтинчалик меҳнат арбитражи тузилган ёки жамоавий меҳнат низоси доимий асосда фаолият кўрсатаётган меҳнат арбитражига ҳал этиш (тартибга солиш) учун топширилган кундан эътиборан ўн иш кунигача бўлган муддатда меҳнат арбитражида ҳал этилади (тартибга солинади). Меҳнат арбитражи: жамоавий меҳнат низоси тарафларининг мурожаатларини кўриб чиқади; жамоавий меҳнат низосига тааллуқли бўлган зарур ҳужжатлар ва маълумотларни олади; зарур бўлган ҳолларда, республика ижро этувчи ҳокимият органларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини жамоавий меҳнат низосининг эҳтимол

Старая редакция	Новая редакция
тутилган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатлари тўғрисида хабардор қилади; жамоавий меҳнат низосининг моҳиятига кўра қарор қабул қилади. Меҳнат арбитражи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Меҳнат арбитражининг жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) тўғрисидаги қарори ушбу низо тарафларига қарор қабул қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда топширилади.	тутилган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатлари тўғрисида хабардор қилади; жамоавий меҳнат низосининг моҳиятига кўра қарор қабул қилади. Меҳнат арбитражи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Меҳнат арбитражининг жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) тўғрисидаги қарори ушбу низо тарафларига қарор қабул қилинган куннинг кейинги иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда топширилади. **Агар ушбу Кодекс 589-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига биноан жамоавий меҳнат низосини ҳал қилиш учун иш ташлаш ўтказиб бўлмайдиган бўлса, жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида кўриб чиқиш мажбурий ҳисобланади ва меҳнат арбитражининг қарори тарафлар учун, уларнинг ушбу масала бўйича келишуви мавжудлигидан қатъи назар, мажбурий ҳисобланади.** **Агар тарафлар вақтинча меҳнат арбитражини тузиш, унинг таркиби ва қоидалари тўғрисида ёки жамоавий меҳнат низосини доимий меҳнат арбитражига ўтказиш тўғрисида келишувга эришмаса, ушбу масалалар юзасидан қарор жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органлари томонидан қабул қилинади.**
577-модда. Жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органлари	577-модда. Жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органлари

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органларидир. Иш берувчи жамоавий меҳнат низоси бошланган пайтдан эътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмай жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органини ташкилотда низо юзага келганлиги ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги: ижтимоий шерикликнинг тармоқ ва республика даражасида юзага келадиган жамоавий меҳнат низоларининг ҳисобини юритади; жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишга кўмаклашади; меҳнат арбитрларини ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасини юритади; меҳнат арбитрларини тайёрлашни ташкил этади; жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида кўриб чиқишга доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги тавсияларни тасдиқлайди.	Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органларидир. Иш берувчи жамоавий меҳнат низоси бошланган пайтдан эътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмай жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органини ташкилотда низо юзага келганлиги ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги: ижтимоий шерикликнинг тармоқ ва республика даражасида юзага келадиган жамоавий меҳнат низоларининг ҳисобини юритади; жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишга кўмаклашади; меҳнат арбитрларини ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасини юритади; меҳнат арбитрларини тайёрлашни ташкил этади; жамоавий меҳнат низосини меҳнат арбитражида кўриб чиқишга доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги тавсияларни тасдиқлайди.

Старая редакция	Новая редакция
Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари. ижтимоий шерикликнинг бирламчи ва ҳудудий даражасида юзага келадиган жамоавий меҳнат низоларининг ҳисобини юритади; жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишга кўмаклашади. Жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органлари ўз ваколатлари доирасида: зарур бўлган тақдирда, жамоавий меҳнат низоси тарафлари вакилларининг ваколатларини текширади; жамоавий меҳнат низоларининг юзага келиш сабабларини аниқлайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди; жамоавий меҳнат низосининг тарафларига уни кўриб чиқиш ва тартибга солишнинг барча босқичларида услубий ёрдам кўрсатади. Жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органлари жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишга доир ишларни ташкил этиш чоғида ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллари билан ҳамкорлик қилади.	Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари. ижтимоий шерикликнинг бирламчи ва ҳудудий даражасида юзага келадиган жамоавий меҳнат низоларининг ҳисобини юритади; жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишга кўмаклашади. Жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органлари ўз ваколатлари доирасида: зарур бўлган тақдирда, жамоавий меҳнат низоси тарафлари вакилларининг ваколатларини текширади; жамоавий меҳнат низоларининг юзага келиш сабабларини аниқлайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди; жамоавий меҳнат низосининг тарафларига уни кўриб чиқиш ва тартибга солишнинг барча босқичларида услубий ёрдам кўрсатади. Жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органлари жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишга доир ишларни ташкил этиш чоғида ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллари билан ҳамкорлик қилади. **Жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органларининг ваколатли ходимлари ташкилотдаги жамоавий меҳнат низоси тўғрисида хабар олинган пайтдан бошлаб иш берувчининг иш**

Старая редакция	Новая редакция
	жойига жамоавий меҳнат низосини ҳал қилиш, низонинг сабабларини аниқлаш ва ҳал қилишга кўмаклашиш учун хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда монеликсиз ташриф буюриш ҳуқуқига эга.
581-модда. Даъво хусусиятига эга жамоавий меҳнат низоларини судда кўриб чиқиш Қонунчиликни, жамоа келишувларини ва жамоа шартномасини, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинган ички ҳужжатларни қўллаш хусусидаги жамоавий меҳнат низолари суд томонидан кўриб чиқилиши лозим. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жамоавий меҳнат низоларини судларда кўриб чиқиш ҳамда суд қарорларини ижро этиш чоғида ушбу Кодексда якка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тегишли қоидалар ва муддатлар қўлланилади.	**581-модда. Иш ташлаш ҳуқуқи** **Агар ушбу Кодексда белгиланган яраштирув-воситачилик тартиб-таомиллари орқали жамоавий меҳнат низосини ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, шунингдек иш берувчи яраштирув-воситачилик тартиб-таомилларидан бош тортган ёки жамоавий меҳнат низосини ҳал қилиш пайтида эришилган келишувни бажармаган бўлса, меҳнат жамоаси жамоавий меҳнат низосини ҳал қилишнинг усули сифатида иш ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.** **Иш ташлашда қатнашиш ихтиёрийдир. Ҳеч ким иш ташлашда қатнашишга ёки унда қатнашмасликка мажбур қилиниши мумкин эмас.** **Иш ташлаш, қоида тариқасида, ходимларнинг доимий иш жойида амалга оширилади**
	582-модда. Иш ташлашни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш **Иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарор ташкилот (филиал, ваколатхона ёки бошқа алоҳида**

Старая редакция	Новая редакция
	таркибий бўлинма) ходимларининг умумий йиғилишида (конференциясида) қатнашаётган ходимларнинг (делегатларнинг) эллик фоизидан кўпроғи ёқлаб берган овози билан қабул қилинади. **Ташкилот (филиал, ваколатхона ёки бошқа алоҳида таркибий бўлинма) ходимларининг умумий йиғилиши (конференцияси) томонидан иш ташлашни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш иш ташлаш бошланишидан камида бир ой олдин ушбу Кодекснинг 36-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.** **Иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:** **иш ташлашни эълон қилиш ва ўтказиш учун асос бўлган жамоавий меҳнат низоси тарафларининг келишмовчиликлари рўйхати;** **иш ташлаш бошланадиган сана, вақт ва жой;** **иш ташлашга раҳбарлик қилувчи ва унинг иш ташлаш чоғидаги ваколатлари тўғрисидаги маълумотлар;** **ходимларнинг яраштирув-воситачилик тартиб-таомилларида иштирок этувчи вакиллари рўйхати.**
	583-модда. Иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарор ҳақида хабардор қилиш **Касаба уюшмаси қўмитаси иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарор ҳақида иш берувчини ушбу**

Старая редакция	Новая редакция
	қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиши керак. **Иш берувчи бўлажак иш ташлашни эълон қилиш тўғрисида ёзма хабарномани олган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органларини ёзма равишда огоҳлантиради.** **Иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарорда белгиланган вақтда иш ташлаш бошланмаган бўлса, жамоавий меҳнат низосини ҳал қилиш ушбу Кодекснинг 573-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.**
	584-модда. Иш ташлашга раҳбарлик қилиш **Иш ташлашга касаба уюшмаси қўмитасининг ваколатли вакили раҳбарлик қилади.** **Иш ташлашга раҳбарлик қилувчи:** **ходимлар умумий йиғилишларини (конференцияларини) чақиришга;** **иш берувчидан ходимларнинг манфаатларига дахлдор масалалар бўйича маълумот олишга;** **иш ташлашни эълон қилиш ва ўтказиш учун асос бўлган келишмовчиликларни ҳал қилишда ходимлар номидан иш юритишга;**

Старая редакция	Новая редакция
	келишиб олиниши зарур бўлган масалалар бўйича фикрларни тайёрлаш учун мутахассисларни жалб қилишга; **иш ташлашда иштирок этаётган ходимларнинг эллик фоизидан кўпроғининг розилиги билан иш ташлашни тўхтатиб қўйишга ҳақли.** **Иш ташлашга раҳбарлик қилувчи:** **иш ташлаш амалга оширилаётган даврда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаши;** **жамоавий меҳнат низосини тинч йўл билан ҳал этиш учун барча зарур чораларни кўриши;** **иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган иш ташлаш бошланадиган сана, вақт ва жойга доир талабларга амал қилинишини таъминлаши;** **жамоавий меҳнат низоси тарафларига, давлат органлари ва ташкилотларига ёлғон ёки бузиб кўрсатилган ахборот тақдим қилмаслиги;** **ўзига берилган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги шарт.**
	585-модда. Ходимларга иш ташлаш муносабати билан бериладиган кафолатлар

Старая редакция	Новая редакция
	Ходимнинг иш ташлаш билан боғлиқ жараёнда иштирок этгани уни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас. **Иш ташлаш пайтида унда иштирок этадиган ходимнинг иш жойи ва лавозими сақланиб қолади.** **Иш берувчи ходимга у иш ташлашда қатнашган вақтида иш ҳақини тўламаслик ҳуқуқига эга.** **Иш ташлашда иштирок этмаган, бироқ иш ташлаш ўтказилаётганлиги сабабли бекор туриб қолган ходимларга ҳақ тўлаш ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади. Иш ташлашда иштирок этмаган ходимлар бекор туриб қолиш муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан ушбу Кодексда белгиланган тартибда вақтинча бошқа ишга ўтказилиши мумкин.**
	586-модда. Иш ташлашнинг бориши **Иш ташлаш пайтида жамоавий меҳнат низоси тарафлари низони яраштирув-воситачилик тартиб-таомиллари орқали ҳал қилишда давом этишлари керак.** **Ходим, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси иш ташлаш пайтида жамоат тартибини, иш берувчининг ва ходимларнинг мол-мулки хавфсизлигини, шунингдек тўхтатилиши инсон ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ускуналарнинг ишлашини таъминлаш бўйича чоралар кўриши шарт.**

Старая редакция	Новая редакция
	Ушбу Кодекс 589-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган хизматларда (соҳаларда) минимал зарур ишлар (хизматлар) таъминланиши шарт.
	587-модда. Эълон қилинган иш ташлашнинг бошлаш вақтини кечиктириш ёки иш ташлашни тўхтатиб туриш **Иш ташлаш инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарса, тинчлик ва хавфсизликка, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, экологик барқарорликка таҳдид солса, суднинг қарорига асосан:** **эълон қилинган иш ташлашнинг бошланиш вақти ўттиз календарь кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирилиши;** **иш ташлаш ўттиз календарь кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.** **Эълон қилинган иш ташлашнинг бошланиш вақтини кечиктириш ёки иш ташлашни тўхтатиб туриш тўғрисидаги суднинг қарори тўғрисида ходимлар иш ташлашга раҳбарлик қилувчи орқали дарҳол хабардор қилиниши шарт.** **Эълон қилинган иш ташлашнинг бошланиш вақтини кечиктириш ёки иш ташлашни тўхтатиб туриш тўғрисидаги суднинг қарори дарҳол ижро этилиши керак**.
	588-модда. Иш ташлашни қайта тиклаш

Старая редакция	Новая редакция
	Иш берувчи томонидан жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) жараёнида меҳнат жамоаси билан эришилган келишувларда белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда тугатилган иш ташлаш қайта тикланиши мумкин. **Иш ташлашни қайта тиклаш учун жамоавий меҳнат низосини яраштирув-воситачилик тартиб-таомиллари асосида қайта кўриб чиқиш талаб қилинмайди.** **Касаба уюшмаси қўмитаси иш берувчини ва жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органини иш ташлаш қайта тикланиши тўғрисида камида етмиш икки соат олдин ёзма равишда огоҳлантириши керак.**
	589-модда. Иш ташлашга оид чекловлар **Фавқулодда ҳолат ёки фавқулодда вазиятлар пайтида, уруш ҳолатида, умумий сафарбарлик эълон қилинган даврда иш ташлаш тақиқланади.** **Иш ташлашда қуйидагиларнинг қатнашиши мумкин эмас ҳамда улар иштирокидаги иш ташлаш тақиқланган ҳисобланади:** **тиббиёт ходимлари;** **давлат органининг ваколатларини амалга ошириш учун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган шахслар;**

Старая редакция	Новая редакция
	ҳарбий хизматчилар, судьялар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг махсус (ҳарбий) унвонларга ёки мартаба (малака, мансаб) даражаларига эга ходимлари; **энергия ва сув таъминоти тизими ташкилотлари ходимлари;** **алоқа тизими ходимлари.** **Фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва шахсий хавфсизлиги учун фаолияти ҳаётий муҳим бўлмаган, бироқ аҳолининг кундалик ҳаётини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган ташкилотларда, шунингдек иш ташлаш давомийлиги ва кўлами туфайли аҳолининг одатдаги турмуш шароитларига таҳдид солувчи хизматларда (соҳаларда) минимал зарур ишлар (хизматлар) мажбурий жорий этилиши мумкин.** **Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган минимал зарур ишлар (хизматлар) ва улар амалга оширилиши лозим бўлган ташкилотлар (хизматлар, соҳалар) рўйхати Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.**
	590-модда. Ноқонуний иш ташлаш **Агар ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда назарда тутилган талабларни бузган ҳолда иш ташлаш амалга оширилган (амалга оширилаётган, амалга**

Старая редакция	Новая редакция
	ошириладиган) ёки иш ташлашни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, бу ноқонуний иш ташлаш деб топилади. **Иш ташлаш суд томонидан ноқонуний деб топилганда, мазкур масала бўйича суднинг қарори тўғрисида ходимлар иш ташлашга раҳбарлик қилувчи орқали дарҳол хабардор қилиниши шарт.** **Иш ташлашни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори дарҳол ижро этилиши керак.**
	591-модда. Иш ташлашни тугатиш **Иш ташлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:** **жамоавий меҳнат низоси тарафлари томонидан ўзаро ёзма келишувга эришилганда;** **иш берувчи томонидан иш ташлашни эълон қилиш тўғрисидаги қарорда иш ташлашни эълон қилиш ва ўтказиш учун асос бўлган келишмовчиликлар бартараф этилганда;** **суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ноқонуний деб топилганда;** **иш ташлашда иштирок этаётган ходимларнинг эллик фоизидан кўпроғининг розилиги билан иш ташлашдан воз кечилганида.** **Ходимлар иш ташлаш тугатилгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай меҳнат шартномасида назарда тутилган мажбуриятларини давом эттириши зарур.**

Старая редакция	Новая редакция
	592-модда. Иш ташлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик **Иш ташлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.**
	593-модда. Даъво хусусиятига эга жамоавий меҳнат низоларини судда кўриб чиқиш **Қонунчиликни, жамоа келишувларини ва жамоа шартномасини, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинган ички ҳужжатларни қўллаш хусусидаги жамоавий меҳнат низолари суд томонидан кўриб чиқилиши лозим.** **Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жамоавий меҳнат низоларини судларда кўриб чиқиш ҳамда суд қарорларини ижро этиш чоғида ушбу Кодексда якка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тегишли қоидалар ва муддатлар қўлланилади.**